



**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ ТАЛАБЛАРИ  
АСОСИДА ТОВАР МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
МЕТОДОЛОГИЯСИ**

**Бобобеков Бахром Қахарович -**

Жиззах Политехника институти асистенти

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss1/a22](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a22)

**Аннотация.** Ушбу мақолада молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, унинг моделлари, камчиликлари, афзалликлари, товар моддий захираларининг ҳисобини ташкил этишида халқаро олимларнинг фикри ўрганилиб, мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига жавоб берадиган асосини яратиш бўйича методологија тақлиф этилган. Мазуга оид муаммолар ўрганилиб уларга илмий асосланлан ҳуоссалар берилган.

**Ключевые слова:** молиявий кўрсаткичлар, таннарх, маҳсулот, захира, резерв, молиявий ҳисобот, ҳисобчилик, молиявий қарамалик, молиявий мустақиллик, активларнинг қарамалик коэффициенти, корхона.

**МЕТОДОЛОГИЯ ОРГАНИЗАЦИИ УЧЕТА ТОВАРНО-МАТЕРИАЛЬНЫХ ЗАПАСОВ НА ОСНОВЕ  
ТРЕБОВАНИЙ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОГО УЧЕТА**

**Бобобеков Бахром Қахарович -**

Асистент Джиззакского политехнического института

**Аннотация.** В данной статье изучаются международные стандарты финансовой отчетности, ее модели, недостатки, преимущества, мнение ученых-международников в организации учета товарно-материальных запасов, а также предлагается методология создания основы финансовой отчетности в нашей стране, отвечающей международным стандартам. Проблемы Мазу были изучены, и им были даны научно обоснованные выводы.

**Ключевые слова:** финансовые показатели, себестоимость, продукт, резерв, финансовая отчетность, бухгалтерский учет, финансовая зависимость, финансовая независимость, коэффициент зависимости активов, предприятие.

**METHODOLOGY OF ORGANIZATION OF ACCOUNTING OF COMMODITY MATERIAL RESERVES ON THE BASIS OF THE REQUIREMENTS OF INTERNATIONAL STANDARDS OF FINANCIAL ACCOUNTING**

**Bobobekov Bakhrom Qakharovich -**  
Assistant of Jizzakh Polytechnic Institute

**Annotation.** In this article, the international standards of financial reporting, its models, disadvantages, advantages, the opinion of international scientists in the organization of accounting of commodity material reserves are studied, and the methodology for creating the basis of the financial report in our country that meets international standards is proposed. The problems of Mazu have been studied and they have been given scientifically based conclusions.

**Keywords:** financial performance, cost, product, backup, reserve, financial reporting, accounting, financial dependence, financial independence, asset dependence coefficient, enterprise.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида “Биринчи – ислоҳотларнинг қай даражада самара бераётганини кўрсатадиган мақсадли дастурларни амалга ошириш натижадорлиги. Булар қаторида саноат ва бошқа тармоқларни ривожлантиришнинг қўйидаги иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини келтириш мумкин: ишлаб чиқариш қувватларининг аҳволи, харажатларни ва таннархни пасайтириш, маҳаллийлаштириш ва рентабеллик даражаси, маҳсулот рақобатдошлигини сўзсиз ошириш” вазифаси қўйилган[1]. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши за-

хиралар ва маҳсулот (иш, хизматлар) таннархни ҳисоблаш методологиясини такомиллаштиришни, таннархни камайтиришнинг имкониятлари ва резервларини топишни, халқаро стандартларда ва тажрибаларда кўзда тутилган илгор тизимларини жорий қилишни зарурат қилиб қўймоқда.

Ишлаб чиқариш субъектлари, ташкилотлар фаолияти самарадорлиги, умуман, иқтисодиёт ривожида молиявий ҳисоботларнинг ўзига хос ўрни бор. Шу маънода, Президентимиз томонидан 2020 йил 24 февралда “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”[2]ги қарорга имзо чекилиши ва унга биноан, 18 та банддан иборат “Йўл харитаси” тасдиқлангани юртимизда ушбу йўналишда ҳам жиддий ишлага қўл урилаётганидан далолат. Бу тўғри йўл. Бинобарин, биз халқаро доирага, жаҳон бозорига инти-

лаётган эканмиз, фаолиятимиз ҳам халқаро стандартларга мос бўлиши лозим. Яъни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятлари кенгаяди. Ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизими такомиллаштирилади.

Умуман, бугунги кунда жамиятида жадал кечаётган ўзгариш ва такомиллашувлар бухгалтерия соҳасида ҳам ислоҳотларнинг янги босқичи бошланганлигини англатади. Яъни давр моҳияттан миллий қобиқда қолган, бугунги кун талаби нуқтаи-назаридан бирмунча ёпиқ ҳисобчиликнинг анъанавий тизимидан босқичма-босқич воз кечишни талаб этмоқда.

Анъанавий миллий ҳисобчилик тизими нинг бугунги ҳолати хусусида фикр юритишдан олдин шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда бошқа давлатлардаги каби бизнес субъектларида ҳисоб хизматларининг аниқ тартиб-таомиллари шакллантирилган. Бу жараён Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 авгуустдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”[3] ги Қонуни билан тартибга солинса, кейинчалик қабул қилинган бошқа ҳужжатлар орқали миллий ҳисобчилигимиз бирмунча такомиллаштирилди. Аммо ушбу ўзгаришларга қарамасдан бизнес субъектлари бошқаруви, бир томондан, фаолиятни ривожлантириш ва молиялаштиришда йиғилиб қолган муаомолларни ҳал этишдаги функционаллиги ўз қобигидан нарига ўта олинмаганликлари билан изоҳланса, бошқа томондан эса сезиларли ҳаражатлар эвазиига аниқланган ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларига даҳлдор маълумотлар базаси ташқи қизиқувчилар талабларига ҳам шаклан, ҳам мазмунан мос эмасди. Бу эса уларнинг эътиборидан чет қолишга омил асосий омил бўлиб келаётганди. Ваҳоланки, ҳар қандай бизнес аниқлик ва шафолик таъминланган жойда равнақ топади.

#### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Р.Х. Ҳермансон ва бошқалар захиралар таннархига қўйидаги элементларни киритади:

1. Сотувчининг инвойс нархи (харид чегирмаси айрилди);
2. Товарларнинг транзит айланишидаги суғурта ҳаражатлари;
3. Харидорлар томонидан қопланадиган транспорт ҳаражатлари;
4. Жойлаштириш, жумладан юкларни ортиш-тушириш ҳаражатлари [4].

К.Д. Ларсон ва бошқалар захиралар таннархи бу уларни амалдаги ҳолатига ва жойлашишига олиб келиш билан боғлиқ бевосита ва билвосита ҳаражатлардан ташкил топишини

қайд қилишади: “Захираларнинг таннархи – бу инвойс нархи, минус турли хил чегирмалар, плюс захираларни жойига ва сотишга тайёр ҳолга келтириш билан боғлиқ қўшимча ва ўзига хос ҳаражатлардан таркиб топади”[5].

Проф. Пардаев М.Қ.нинг фикрича молиявий барқарорлик коэффициентлари гуруҳи компания эгалари ва кредиторлар ўртасидаги таваккалчиликнинг қандай тақсимланганлигини кўрсатади. Унда молиявий қарамлик ва молиявий мустақиллик, активларнинг қарамлик коэффициенти, фоизни қоплаш коэффициенти каби коэффициентлардан фойдаланиш таклиф қилинган[6,б.52].

Иқтисодчи олим Б.Ж.Хакимов корхоналарнинг жами активлари таркибида пул маблағлари энг муҳим молиявий актив сифатида тан олинишини эътироф этади. Демак корхонанинг тезкор ликвидлиги яъни жорий активлари билан жорий мажбуриятларини қоплаш коэффициенти айнан пул маблағларига боғлиқ бўлган муҳим иқтисодий кўрсаткичидир[7,б.2].

Шуни таъкидлаш лозимки, корхоналарда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш, уларни банкротликдан чиқариш ва молиявий соғломлаштириш моделини танлаб олинишига бевосита боғлиқдир. Халқаро тажрибани тадқиқ эиши натижаларининг гувоҳлик беришича, ҳозирги кунда иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштиришни меъёрий-хукуқий тартибга солиш бўйича жаҳонда 2 та йўналиш амал қилмоқда: Биринчи йўналишнинг моҳияти шундан иборатки (АҚШ, Франция ва бошқа давлатларда) ривожланаётган давлатлардаги банкротликка оид хукуқ нормаларида ночор аҳволга тушган корхонани имкон қадар сақлаб қолиб, уни ночор аҳволдан чиқаришга кўпроқ эътибор берилади. Бундай тажриба Республикамиз иқтисодиётida қўлланилган бўлиб, иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларининг балансига ўтказилиб, уларни молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилган.

Қонунчиликдаги иккинчи йўналиш бўйича (Англия, Германия ва бошқа давлатларда) банкротликка оид қонунчиликнинг моҳияти асосан ночор аҳволга тушган корхонани тезроқ тутатиб (банкрот қилиб), унинг кредиторлари қарзини қайтаришга қаратилган бўлади [8,б.252]. Мазкур тажрибадан иқтисодиётимизнинг ҳозирги ривожланиш даврида фойдаланиш мўлжалланмоқда. Бунда корхоналарни қайта ташкил қилиш, уларнинг мулк шаклини ўзгартириш, хусусан хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича стратегик режалар тузилмоқда.

Соҳага доир бошқа адабиётларда ҳам захиралар таннархи ҳисоби ва ҳисботининг стандартларга ўйғун жиҳатлари акс эттирилган.

Ушбу юқоридаги хорижий адабиётларда келтирилган қоидалар стандартлар талабларига жағоб беради. Лекин, бу қоидаларни фақат савдо корхоналаридаги товарлар таннархини шакллантиришда күллаш мүмкін. Бунда захираларнинг харид таннархи билан боғлиқ бўлган элементлар акс эттирилган. Халқаро стандартлар эса таърифлар нафақат савдо, балки ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи компаниялар учун ҳам қўлланиладиган бўлиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Масалан, ишлаб чиқариш корхоналарида захиралар таннархидаги қайта ишлаш харажатлари ҳам мухим ўрин тутади, қайсики бу жиҳатлар юқоридаги таърифларда ўз ўрнини топмаган.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолани ёритища статистик, таққослаш, гурухлаш, таҳлил ва синтез, иқтисодий таҳлил, абстракт мантиқий таҳлил, иқтисодий математик усуллардан фойдаланилди. Маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, мушоҳада қилиш асосида иммий хulosаларга келинди.

**Таҳлил ва натижалар** Ҳозиргача молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари расмий тўртта – француз, немис, рус ва поляк тилларига таржима қилинган. Айни пайтда эса хитой, япон, португал ва испан тилларига таржима қилиш жараёни кечмоқда. Норасмий тартибида эса 30 дан ортиқ тилларга, шу жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Бу эса юқорида таъкидланингиздек қарор ижросини таъминлашда қўл келади.

МХҲСларни қўллаш зарурияти қўйидаги омиллар билан белгиланади[9]:

- турли мамлакатларда инвесторлар ва акционерлар потенциал компанияларнинг бир хил тамойиллар, яъни таққосланувчанлик асосида тайёрланган молиявий ҳисботни яхшироқ таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар;

- турли мамлакатларда турли фонд биржаларига уларнинг ҳар бирига ўша мамлакатнинг стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисботдан кўра ҳаммаси учун ягона тан олинадиган битта молиявий ҳисботни тузиш мақсадга мувофиқdir. Натижада ҳисботни тузиш харажатлари қисқаради ва капитални жалб қилиш имкониятлари кенгаяди.

Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш, корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий, мулкий ва молиявий ҳолатини, уларнинг ўтган даврлардаги молиявий натижаларини қиёсий ўрганиш ва объектив баҳолаш орқали келгусидаги фаолиятни кенгайтириш, ташқи молиявий манбаларни излаб топиш, халқаро молиявий институтлардан капитал жалб қилиш имконини беради.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда, иқтисодиётнинг турли соҳаларида ярим миллионга

яқин корхона ва ташкилотларда ушбу хизмат тури йўлга қўйилиб, ҳисбдорлик юритиб келинмоқда. Бироқ бир хилдаги иқтисодиётнинг қонун-қоидалари асосида ишләтган икки дунё (миллий ва халқаро) ҳисоб тизимини таққослашдаги оралиқ масофа борган сари кенгайиб кетмоқда. Буни ўтган даврда амалга оширилган ишлар қадр-қиматини эътироф қилган ҳолда, айтиш лозимки, иқтисодиёт очиқланмаганлиги, эришилган натижадорлик халқаро майдонда намоён этилмаганлиги, яъни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг амалдаги анъанавий тартибида халқаро майдонда расмий тан олинган талаблар эмас, балки кўпроқ миллий иқтисодиётнинг устуворлиги юқори қўйилганлиги билан изоҳласак тўғри бўлади. Бугун эса муҳит тубдан ўзгарди. Ўзбекистон ташқи дунёга тўлиқ очилди. Шу маънода, бугун бухгалтерия ва аудит соҳаси мутахассислари олдига ҳисбдорликни янги дунё муносабатлари тизимга мос ҳолда йўлга қўйиш вазифаси қўйилмоқда.

Бунинг ечими эса оддий эмас. Чунки бу борада бир қатор муаммолар мавжуд. Аввало, бизнес субъектлари фаолиятининг реал натижаларини аниқлаш, уларнинг ютуқларини тан олиш, баҳолаш ва очиқлашдаги амалдаги тартиблари иқтисодий ресурсларни бўлғуси хақиқий эгалари манфаатларига мос тушмайди.

Иккинчидан, бизнес субъектлари даромад ва харажатларининг аниқ ўлчангандан қийматлари потенциал қизиқувчилар манфаатларига мос тушмайди. Бунда фойданинг аниқлиги, нақдлиги ва сифатини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Учинчидан, молиявий ҳисботларни тайёрлаш, тақдим этишдаги ўринсиз, ортиқча, қатъий талабларнинг белгилаб қўйилганлиги, шунингдек, бизнес субъектларининг ўз мулклари доирасида аниқ бошқарув қарорларини тайёрлашда ҳисбонинг майда бирликларига қадар қатъий тартибининг белгилаб қўйилгани бухгалтерия ходимларининг эркин ва касбий тажрибага таянган ҳолда хulosha тайёрлаш ҳамда уларни манфаатдорларга тақдим этиш имкониятини бермайди. Бу бизнес вакиллари реал ҳолатни ўзлари истаган тарзда эмас, улар фойдаланилаётган ресурслар эгалари истаган тарзда кўради, деганидир.

Тўртинчидан, бизда бухгалтерия ҳисбони ташкил этиш, юритиш ва ҳисботни тузиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда ташқи назоратга устунлик берилган. Одатда назоратнинг ички турига кўпроқ аҳамият қаратиш талаб этилади. Чунки ички назорат тўғри ва самарали ташкил этилса, ташқи назоратга зарурият қолмаслиги халқаро стандартларнинг энг мухим шарти ҳисобланади.

Бешинчидан, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига қанчалик мослаштирилмасин, агар ахборотлар оқими очиқланмаса, бизнес субъектларининг реал молиявий аҳволи, натижалари ва уларнинг ўзгаришларини аниқ акс эттириш имкони бўлмайди[10].

1-сон МХХСда “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари – бу Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари кўмитаси томонидан қабул қилинган стандартлар ва интерпретациялардир” деб таъриф берилган. Уларга қуидагилар киради[10]:

а) молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (IFRS);

б) бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари (IAS);  
с) интерпретациялар (SIC).

БХХСлар (IAS – International Accounting Standards) Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари бўйича Кўмита (БХХСҚ) (IASC) томонидан ишлаб чиқилади. БХХСҚ томонидан тайёрлаган ва рус тилига таржима қилинган Молиявий ҳисбот халқаро стандартларига тушунишиларда, рус тилига таржима қилинган БХХСларда 2016 йил февраль ҳолати бўйича 29 та БХХС, 12 та Молиявий ҳисбот халқаро стандарти (MXXC), 8 та стандартларга изоҳ (SIC) нашр қилинганлиги кўрсатилган (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### **1-2 сон МХХСлари ва 4-сон БХМСларидаги умумий қоидаларни солишириш натижалари[13]**

<b>2-сон МХХСларидаги</b>	<b>4-сон БХМСларидаги</b>
<b>2-сон МХХСнинг мақсади</b> – захираларни ҳисобга олиш тартибини белгилаш бўлиб ҳисобланади. Захиралар ҳисобининг асосий масаласи бўлиб актив сифатида тан олинадиган таннархини ҳамда таалуқли тушум тан олгунга қадар келгуси даврларга ўтказиладиган суммасини аниқлаш ҳисобланади.	<b>Мазкур БХМС мақсади</b> ташкилий-хукукий шакидан қатъи назар юридик шахсга мулк ҳукуқида тегишли бўлган товар-моддий захираларнинг бухгалтерия ҳисоби услубиёти ва молиявий ҳисботтада акс эттирилишини белгилаш ҳисобланади.
<b>2-сон МХХСлари қуидаги захираларга нисбатан қўлланилмайди:</b> (а) пудрат шартномаси бўйича тугалланмаган ишлаб чиқариш; (б) молиявий инструментлар; (с) қишлоқ хўжалик фаолияти билан боғлиқ биологик активлар.	<b>Мазкур БХМС қоидалари</b> пудрат қурилиши бўйича тугалланмаган ишлар, шу жумладан улар билан боғлиқ хизматлар бўйича контрактлар ва молиявий дастакларни ҳисобга олиш қоидаларига нисбатан қўлланилмайди.
<b>Захира – бу актив:</b> (а) нормал фаолият давомида сотишга мўлжалланган; (б) ушбу сотиш учун ишлаб чиқариш жараёнида; (с) ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида фойдаланишга мўлжалланган хомашё ва материаллашаклида.	<b>Товар-моддий захиралар</b> – кейинчалик сотиш мақсадида нормал фаолият юритиш жараёнида тутиб туриладиган ва ишлаб чиқариш жараёнида мавжуд бўлган, шунингдек маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурӣ ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланадиган моддий активлар
<b>Реализациянинг бўлиши мумкин соф қиймати</b> – бу нормал иш кетишида бажариладиган ишларнинг бўлиши мумкин бўлган харажатлари ҳамда реализациянинг бошқа бўлиши мумкин харажатларини чегириб ташлагандан кейинги мўлжалдаги соф сотиш қийматидир.	<b>Сотишнинг соф қиймати</b> – товар-моддий- захираларни мақсадига кўра ишлатиладиган ҳолатга келтириш ва сотиш бўйича баҳоланган харажатлар чегирилган ҳолда жорий қиймати
<b>Адолатли қиймат</b> – бу шу соҳа бўйича яхши тажриба ва билимга эга ҳамда ушбу битимни амалга оширишга хоҳишистаги мавжуд бўлган ва бир-бирига боғлиқ бўлмаган томонлар ўртасида битимни рўёбга чиқаришда активни алмаштириш ёки мажбуриятларни тартибга солиш мумкин бўлган суммадир.	<b>Жорий қиймат</b> – маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича товар-моддий захираларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиши ёки мажбуриятни бажариш учун етарли бўлган сумма
<b>Захиралар ўз ичига олади:</b> 1) қайта сотиш учун харид қилинган ва сақлананаётган товарлар; 2) тайёр маҳсулотлар; 3) тугалланмаган ишлаб чиқариш; 4) ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун хомашё ва материаллар; 5) сотилиши тан олингунга қадар сервис компаниялари хизмати таннархи.	<b>Товар-моддий захиралар ўз ичига олади:</b> 1) хомашё ва материаллар, харид қилинган яrim тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, идишлар, эҳтиёт қисмлар, инвентарь ва хўжалик анжомлари, бошқа материаллар; 2) бокувдаги ва яйловдаги ёш ҳайвонлар, паррандалар, асалари оиласи, сотиш учун асосий подадан яроқсиз қилинган катта ёшдаги қорамоллар, сотиш учун четдан қабул қилинган қорамоллар; 3) ташкилотда тайёрланган тайёр маҳсулот 4) қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар.
Халқаро стандартларда ушбу тушунча киритилмаган. Ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган тартибида асосий воситалар (мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар) таркибига киритилмаган инвентар ва анжомлар материал сифатида ҳисобга олинади ва фойдаланишга чиқарилганда ҳисобдан чиқарилади.	<b>Инвентар ва хўжалик анжомлари</b> таркибида қуидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган активлар киритилади: а) хизмат муддати бир йилдан ошмайдиган; б) қиймати бир-бирлик учун ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик бароваригача миқдорда бўлган буюмлар

Молиявий ҳисобот халқаро стандартлари-ни фундаментал асослари, молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим қилиш ҳамда аниқ объектларни ҳисобга олишга мўлжалланганлигига қараб қуидаги олтита гурухга ажратиш мумкин[9]:

I. Молиявий бухгалтерия ҳисобининг фундаментал асосларини ифодаловчи стандарт – ушбу гурухга 1 та стандарт киритилган.

II. Молиявий ҳисоботни тақдим қилиш ва ундан ахборотлар тавсифини ифодаловчи стандартлар – ушбу гурух ўз ичига 10 та стандартни олади.

III. Активлар, мажбуриятлар ва инвестициярга доир стандартлар – ушбу гурухга 9 та стандарт киритилган.

IV. Даромад ва харажатларга доир стандартлар – бу гурухга 5 та стандарт киритилган.

V. Молиявий инструментларга доир стандартлар – ушбу гурухга 2 та стандарт киритилган.

VI. Бизнес бирлашишлари ва қўшма корхоналар молиявий ҳисоботига доир стандартлар-ушбу гурух ўз ичига 2 та стандартни олади.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий хужжатларда[12] ҳам халқаро стандартларнинг қўлланилиши эътироф этилган. Захиралар ҳисобга оид қоидалари 2-сон МҲС “Захиралар” билан тартибга солинади. Бугунги кунда захираларни тан олиш, уларнинг таннархини аниқлаш, баҳолаш ҳамда молиявий ҳисоботда акс эттиришга доир халқаро стандартлардаги масалаларини ва бу борада илғор хорижий тажрибаларни ёритиб бериш ўта долзарб масалалар сирасига киради. Бундан ташқари халқро стандартларда келтирилган атамаларни мазмун моҳиятини аниқлаштириб олишимиз зарур. Шу боис, ушбу мақола долзарб мавзуга бағишлиланган.

Тадқиқотга доир 2-сон МҲС “Захиралар” [11], 4-сон БҲМС “Товармоддий захиралар”[12] ҳамда соҳага доир бўлган адабиётлар ўрганилди. Миллий стандартимиздаги айrim қоидаларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш зарурати мавжуд. Тадқиқот жараёнида 4-сон БҲМС “Товар-моддий захиралар” стандартида келтирилган атамалар тавсифи, тамойиллар ва қоидалар 2-сон МҲС “Захиралар” стандартида қоидалар билан солиштирилди. Уларда айrim номувофиқликлар аниқланди. Халқаро стандартларга мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Адабиётларда захиралар ҳисоби борасида иккита муҳим жиҳатга эътиборни қартиш лозимлиги эътироф этилди. Биринчиси, харид қилинган захираларнинг бошланғич қиймати (таннархи), иккинчиси реализация қилинган захиралар таннархини аниқлаш масаласидир.

Ўзбекистон Республикасида 2-сон МҲСга мувофиқ келадиган 4-сонли БҲМС “Товар-моддий захиралар” стандарти ишлаб чиқилган.

Захираларга оид атамалар тавсифи ва унинг таркиби бўйича белгиланган қоидаларни солиштириш натижалари қуидаги 1-жадвалда расмийлаштирилди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, халқаро стандартлар ва миллий стандартлар ўртасида умумий қоидаларни белгилашда бир қанча фарқлар мавжуд. Биринчидан, халқаро стандартда захираларнинг актив сифатида тан олинадиган таннархини ҳамда тегишли тушумни тан олгунга қадар келгуси даврларга ўтказиладиган суммасини аниқлашга устувор аҳамият қаратилган бўлса, миллий стандартда эса мулк ҳуқуқида тегишли бўлган ТМЗларнинг бухгалтерия ҳисоби услубиёти ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишини белгилаш, деб таърифланган[10].

Фикримизча, стандартнинг мақсади кўпроқ ишлаб чиқарилган, сотилган захиралар ҳамда ҳали сотилмаган қолдиқдаги захиралар таннархини аниқлаш тартибини белгилашга қартилиши мақсадга мувофиқидir. Иккинчидан, қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ биологик активлар учун алоҳида миллий стандарт ишлаб чиқиши зарурати мавжуд. Биологик активлар бутирик ҳайвонлар ва ўсимликлардир. Халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш мақсадида 4-сон БҲМСлари таркибида захира сифатида киритилган ҳайвонларни захира таркибидан чиқариб, уларни биологик актив сифатида ҳисобга олиш тартибини белгилайдиган алоҳида стандартга киритиш керак, деб ўйлаймиз. Шу асосда, миллий стандартдаги захиралар таркибидан “бокувдаги ва яловдаги ёш ҳайвонлар, паррандалар, асалари оиласари, сотиш учун асосий подадан яроқсиз қилинган катта ёшдаги қорамоллар, сотиш учун четдан қабул қилинган қорамоллар”ни олиб ташлаш ва уларни биологик активлар сифатида тан олиш тамойилларини қабул қилиш керак. Учинчидан, миллий стандартимизда товар-моддий захираларга берилган таърифда “....маъмурӣ ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш” деган жумлани олиб ташлаш керак, деб ўйлаймиз, чунки бу жумлалар узоқ муддатда фойдаланадиган моддий активларнинг таърифида ҳам келтирилган. Тўртинчидан, миллий стандартларда сотишнинг соғ қиймати ва жорий қиймати тушунчаларининг мантиқан мазмунига аниқлик киритиш лозим. Бу тушунчаларни тўлиқ халқаро стандартдаги контекстида қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз[9]. Бешинчидан, “сотилиши тан олингунга қадар сервис компаниялари хизмати таннархи”, яъни ҳали реализация қилинмаган хизматлар бўйича

таннарх захира сифатида тан олиш қоидаларини жорий қилишимиз керак. Масалан, адвокатлик, аудиторлик ёки маслаҳат фирмалари ўзининг хизматларини мижозларга кўрсатади.

Уларни мижозларга якуний сотгунга қадар, яъни бажарилган ишларни харидорга топширгунга ва бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани имзолагунга қадар амалга оширилган харажатлар захира сифатида тан олиниди. Бу турдаги харажатлар моддий-буюм кўринишига эга бўлмасада захира талабларига жавоб беради. Олтинчидан, миллий стандартимизда инвентар ва хўжалик анжомлари тушунчаси киритилган. Юқоридаги жадвалда келтирилган мезон талабларидан ташқари қўйидагилар хизмат муддати ва қийматидан қатъни назар инвентар ва хўжалик анжомлари таркибига киритилган:

- а) маҳсус асбоблар ва мосламалар;
- б) маҳсус ва санитария кийимлари, маҳсус пойабзал;
- в) кўрпа тўшаклар;
- г) ёзув-чиズув анжомлари
- д) ошхона инвентари, шунингдек сочиқ-дастурхонлар;
- е) уларни барпо этиш харажатлари, қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вақтингачалик (титулда бўлмаган) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;
- ж) фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;
- з) овлаш қуроллари (траллар, ёйма тўрлар тўрлар, анжомлар, матраплар ва ҳ.к.) [14.816.]

Халқаро стандартларда “инвентар ва хўжалик анжомлари” тушунчаси мавжуд эмас. Уларнинг бир қисми ҳисоб сиёсатида кўрсатил-

ган тартибда машина ва асбоб-ускуналар таркибига ҳисобга олинади. Чунки, халқаро стандартларда асосий воситалар (мулк, бино ва машина ва асбоб-ускуналар)га қиймати бўйича чегара қўйилмаган. Бир қисми эса материаллар таркибига киради ва умумий тартибда ҳисобга олинади. Шу боис, “инвентар ва хўжалик анжомлари” тушунчаси, уни тан олиш мезони ва мезонлардаги талаблардан қатъни назар таркибига киритиладиган моддаларини тўлиқ халқаро стандартларга мувофиқлаштириш керак.

**Хулоса ва таклифлар.** Бунинг учун қуйидаги йўналишларда ишларни амалга ошириш керак. Амалиётимизда асосий воситалар (“бино, машина ва асбобускуналар”)ни тан олишда қиймати минимал иш ҳақининг 50 баробаридан кам бўлмаслиги керак” деган мезонни олиб ташлаш керак. Натижада, узоқ муддатга хизмат қиласидаган моддий активларнинг таркибини халқаро стандартларда келтирилган мезонлар доирасида компаниялар ўзлари белгилаш ҳукуқига эга бўлади. Ушбу тавсияларнинг кўлланилиши умумий қоидалардаги тафовутларни қисқартиради ва миллий молиявий ҳисоботни трансформациялаш жараёнини енгиллаштиради.

Стандарт талабларига мувофиқ захиралар мажбурий тартибда қуйидаги миқдорлардан энг кичиги бўйича баҳоланиши шарт: таннархи ёки реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қиймати. Агар реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қийматида акс эттирилади. Акс ҳолда эса, яъни реализациянинг бўлиши мумкин бўлган соф қиймати уларнинг таннархидан катта бўлса захира таннархда ифодаланади.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хўжжатлари тўплами. 2017 йил. 6-сон.
2. <https://lex.uz/docs/4746047>
3. <https://www.lex.uz/acts/2931253>
4. Hermanson, Roger H. Accounting: a business perspective /Roger H. Hermanson, James Don Edwards, Michael W. Maher. 6th ed., Irwin, Printed in the USA, 1995. 926 p.
5. Larson, Kermit D. Financial Accounting /Kermit D. Larson, Paul B. W. Miller. 6th ed. Irwin, 1995. 686 p.
6. М.Қ.Пардаев, И.Т.Абдукаримов, А.А.Абдиев, Б.И.Исройлов Корхоналарда молиявий ҳисоботлар тазлили. Укув кўлланма. Тошкент, Солик; Академияси, 2008. - 78 бет.
7. Ҳакимов Б., Холмирзаев У. Пул маблаглари ҳисоби ва таҳлилини халқаро тажрибалар асосида тақомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2020 йил, [www.interfinance.uz/en/](http://www.interfinance.uz/en/)
8. Iqtisodiyot subyektlari moliyavij holatining tahlili. O'quv qo'llanma Raxitov M.Yu. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lif vazirligi Toshkent Molija instituti. -T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2013. 392 b.
9. Муаллиф илмий изланишлари натижаси ишлаб чиқилди
10. <https://xs.uz/uzkr/post/moliyavij-hisobotning-khalqaro-standartlari-unga-moslashish-jolida-qandaj-chora-tadbirlar-kozda-tutilgan>
11. Международные стандарты финансовой отчетности.  
[Minfin.ru/ru/performance/accounting/mej\\_standart\\_fo/docs\09.02.2016](http://Minfin.ru/ru/performance/accounting/mej_standart_fo/docs\09.02.2016)
12. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами .-T.: “NORMA”, 2011.-360-бет.
13. Ташназаров Самиддин Низамович Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга ўтиши зарурияти // Экономика и финансы (Ўзбекистан). 2016. №7. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/moliyavij-isobotning-hal-aro-standartlari-va-ularga-tish-zaruriyati> (дата обращения: 06.02.2022).
14. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами .-T.: “NORMA”, 2011.-360-бет.